

## БОЛАЛАРНИ ОВҚАТЛАНТИРИШНИ АУТСОРСИНГ УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

**Эрмат Санаев Шерматович**

Тошкент кимё технология институти, дотцент т.ф.ф.д.

**Садиков Абдурашид Разикович**

Тошкент кимё технология институти, асистент.

**Пулатова Назокат Эркиновна**

Тошкент кимё технология институти, асистент.

**Карабаев Сайдулла Зиядуллаевич**

«International Hotel Tashkent» меҳмонхонаси озиқ-вқат бўлими бошлиғи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7140185>

**Аннотация.** Таълим муассасаларида тарбияланувчиларни sogлом овқатлантиришини ташкил этиши ишларини янада такомиллаштириши, болаларнинг sogлом ва баркамол ўсишини таъминлашида sogлом овқатлантиришининг замонавий усулларини жорий этган ҳолда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириши бугунги куннинг энг муҳим масалалариданн биридир. Бундай усуллардан бирига болаларни овқатлантиришини аутсорсинг усулида ташкил этиши мисол бўла олади.

**Калим сўзлар:** аутсорсинг, sogлом овқатлантириши, овқатлантириши меъёрларига амал қилиши (вазни, калорияси).

## ОРГАНИЗАЦИЯ ЗДОРОВОГО ПИТАНИЯ ДЕТЕЙ МЕТОДОМ АУТСОРСИНГА

**Аннотация.** Одним из важнейших вопросов современности является дальнейшее совершенствование работы по организации здорового питания воспитанников общеобразовательных учреждений, повышение качества и эффективности обучения с внедрением современных методов здорового питания в обеспечение здорового и гармоничного роста детей. Одним из таких способов может стать организация детского питания на аутсорсинге.

**Ключевые слова:** аутсорсинг, здоровое питание, соблюдение нормативов питания (вес, калорийность).

## ORGANIZATION OF HEALTHY NUTRITION FOR CHILDREN BY THE METHOD OF OUTSOURCING

**Abstract.** One of the most important issues of today is the further improvement of the work on organizing healthy nutrition for pupils of educational institutions, improving the quality and efficiency of education with the introduction of modern methods of healthy nutrition in ensuring the healthy and harmonious growth of children. One of these ways can be the organization of baby food by outsourcing

**Keywords:** outsourcing, healthy eating, adherence to feeding standards (weight, calories).

## КИРИШ

Соғлом овқатланиш ёш боланинг соғлом ўсишида муҳим шарт-шароитлардан бири хисобланади. Таълим ташкилотларида болаларининг доим лаззатли, витаминларга бой турли хил таомлар истеъмол қилишлари зарур бўлади [1].

Шундай экан, болаларни соғлом овқатланиши масаласига катта эътибор бериш керак бўлади. Болалар хаётининг дастлабки кунларидан бошлаб ҳамда ёшининг катта-

кичиликлигига қараб уларнинг истеъмол талаблари ўрганилса ва овқатланиш ҳар бир боланинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилса, бу авлодимизнинг соғлом ўсиши ва ривожланишига катта омил бўлади[2]. Болаларни овқатланиши организмининг кундалик эҳтиёжларини қондиришнигина эмас, балки унинг ўсиши, ривожланиши ва хатто танасида кечадиган физиологик жараёнлар натижасида келиб чиқадиган барча талабларни қоплаши керак[3].

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ўзбекистон Республикасида болаларни овқатлантириш масаласига доим алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда бу борада Ўзбекистонда муҳим қарорлар қабул қилинди ва кўплаб ишлар амалга оширилди.

Жумладан, мактабгача таълим муассасалари ошхоналарида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ шарт-шароитлар яратилган ҳолда малакали мутахассислар томонидан болаларни овқатлантиришни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли қарори ижроси юзасидан Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини соғлом, ҳавфсиз ва сифатли овқатлантиришни ташкил этиш мақсадида мактабгача таълим муассасаларида овқатлантиришни ташкил этишни янги замонавий усуллари аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш йўлга қўйилди[4]. Бунда, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг овқатлантиришини ташкил этаётган юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига муассаса ошхонасини ижарага бериш йўли билан тайёр овқатлар билан таъминланиши кўзда тутилди.

Тарбияланувчиларни соғлом ва ҳавфсиз овқатлантиришни ташкил этиш ишларини янада такомиллаштириш, соғлом овқатлантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш орқали таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишга кенг имкониятлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги 626-сонли “Давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди[5].

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Мазкур лойиҳада тадқиқот объекти сифатида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари бўлса, тадқиқот усули тарбияланувчиларни аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш ҳисобланади.

Аутсорсинг корхонага таълим муассасалари ошхоналари ва жиҳозларини ижарага бериш “ноль” ставкасида амалга оширилди ҳамда комунал (электр энергияси, сув, газ) тўловлари ҳаражатлар сметасида кўзда тутилган ҳажмда муассаса томонидан қопланди[6].

Аутсорсинг корхона раҳбари белгиланган муассасаларга тайёр таомларни сифатлилиги, ҳавфсизлиги, белгиланган вақтда етказиб берилиши ва таомларни вазни ва таркибидаги маҳсулотлар технология қоидаларига мувофиқ ҳолда сарфланганлигига шахсан жавобгар қилиб белгиланди.

Муассасада мудира, ҳамшира, ота-оналар вакилларидан иборат “*брәкераж*” комиссияси тайёр таомларни вазни, таркиби, сифатини назорат қилиб бориши йўлга қўйилди.

Аутсорсинг корхоналарга қўйидаги вазифаларни амалга ошириш юклатилди:

- таълим ташкилоти ошхоналарига инвестиция (технологик жиҳозларни янгилаш, ошхонани таъмирлаш ва инвентарлар билан таъминлаш) киритиш;
- белгиланган меъёрлар ва нархларга амал қилган ҳолда таомларни тайёрлаш (таомларни ишлаб чиқариш ва лабаратория назоратларини амалга ошириш);
- соғлом овқатлантириш (икки ҳафталик таомномалар, таомлар технологик карталари, таомларнинг таркиби болалар учун зарур моддалар билан таъминланган бўлиши);
- малакали мутахассислар билан таъминланганлиги ва уларнинг малака оширишини таъминлаш;
- болалар ва ота-оналар ўртасида соғлом овқатлантиришни тарғиб қилиш бўйича тушунириш ишларини олиб бориши.

Тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш, белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари асосида аутсорсер томонидан тузилган, худудий давлат санитария-эпидемиология маркази ва мактабгача таълим бўлимини хабардор қилган ҳолда икки ҳафталик таомномалар асосида ташкил қилинади.

Таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислар (инженер-технолог, диетолог, ошпазлар малака разрядлари) билан таъминланади.

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига амал қилинишини таъминлаш тадбирларини амалга оширилади.

Тарбияланувчилар учун овқатлантиришни ташкил этишда таомларни тайёрлаш усуллари, уларни истеъмол қилишнинг ижобий таъсири, овқатланиш режими, овқатлантиришни ташкил этишни замонавий усулларини тарғиб қилинади.

## МУҲОКАМА

2022 йилнинг 1 январь ҳолатига мавжуд 6300 та давлат мактабгача таълим ташкилотларининг 1185 тасида (18,8%)да овқатлантириш аутсорсинг усулида ташкил этилмоқда 1-жадвал.

1-жадвал

Мактабгача таълим тизимида аутсорсинг тизимини қўлланилиши параметрлари

Йиллар	Муассасалар сони	Ошхоналарни жиҳозлаш, таъмирлаш учун киритилган инвестициялар миқдори (млрд.сум)
2018	274	3,45
2019	542	7,071
2020	542	-
2021	1185	52,5

1-жадвал тахлилларига кўра, мактабгача таълим муассасалари ошхоналарига жами 62,7 млрд сўмли инвестиция киритилиб технологик жиҳозлар билан жиҳозланди ва бинолари таъмирланиб санитария талабларига мос шароитлар яратилди. 82 та аутсорсинг корхоналар томонидан 164 турдаги икки ҳафталик куз, қиши, баҳор ва ёз мавсумларига мос намунавий таомномалар тузилди, 300 га яқин болалар физиологияси талабларига жавоб берадиган таомлар рецепслари вазни калориялари инобатга олинган ҳолда янгитдан ишлаб чиқилди. 500га яқин ошпазлар касбий даражалари оширилди, уларнинг иш хақлари 2-2,5 бараварга ошиди. 360 минг нафар тарбияланувчиларнинг ва уларнинг ота оналарининг соғлом овқатлантириш маданияти бўйича билимлари оширилди.

2022 йилнинг 1 январига келиб 1185 та мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари ўз лавозимига мутахассислигига мос бўлмаган тарбияланувчиларни овқатлантириш йўналишига вақтини сарфламайдиган бўлиб бор салоҳиятини таълим тарбия жараёнига йўналтириш имкониятига эга бўлди. 41 та умумий овқатланишга ихтисослашган таркибида умумий овқатланиш технологияси бўйича мутахассислар мавжуд корхоналар шакллантирилди.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни такидлаш керакки, таълим муассасаларида аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш билан тарбияланувчиларни баркамол ўсиши, соғлом етук бўлиши учун зарур озиқ-моддалар, микро ва макро элементлар, витамиинлар билан таъминлаш даражаси яхшиланди. Соҳага янгича ёндошув кириб келиши билан яъни овқатлантириш бўйича мутахассислар (технологлар, малакали ошпазлар), янги таомнома ва таомлар уларни тайёрлашда технология қоидаларига амал қилишни таъминлаш, ошхоналарни жиҳозлаш ва таъмиrlаş орқали зарур санитария талабларига мос шароитлар яратилиши билан тарбияланувчиларни овқатлантиришга қўйилган озиқ-овқат хавфсизлиги талаблари ҳам бажарилди.

## REFERENCES

1. <https://brightuzbekistan.uz/en/organisation-of-child-nutrition-by-outsourcing-has-serious-drawbacks/>
2. Sanayev, E., Samandarova, I., Murzambetova, G., & Tolibova, K. (2022). MUZLATILGAN NON VA BO 'LKA MAHSULOTLARIGA O 'ZBEKISTON BOZORI TENDENSIYALARI. Science and innovation, 1(A5), 206-209.
3. Sanaev, E., Begmatov, S., Jo'Raev, Z., & Holiquulova, N. (2022). ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ САМАРАДОРЛИГИГА СУВНИНГ АҲАМИЯТИ. Science and innovation, 1(A4), 317-320.
4. Эрмат, С. Ш., Сарбобаев, Ф. Н., Рамазонов, Р. Р., & Вайдуллаева, Л. А. (2022). МАКАРОН ИШЛАБ ЧИҚИШ ТЕХНОЛОГИЯСИДА НОАНАҲНАВИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. Science and innovation, 1(A2), 33-38.
5. Санаев, Э. Ш., Рахимов, Д. П., & Мардонов, Н. Р. (2022). КАКАО ЎРНИНИ БОСУВЧИ ХОМАШЁЛАРГА БОЗОР ТЕНДЕНЦИЯЛАР. Science and innovation, 1(A3), 354-359.
6. Amber M. Epp and Sunaina R. Velagaleti Journal of Consumer Research Vol. 41, No. 4 (December 2014), pp. 911-935 (25 pages)